

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ МД – 5А220102 – 2.01
2016 йил “ 9 ” 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



2016 йил “ 22 ” 01

ГЕОСИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот
Мутахассислик: 5А220102 – Халқаро журналистика
(фаолият турлари бўйича)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Қосимова Н. - ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Такризчилар:

Маматова Ё. - ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Ибрагимов Д. - ЎзМТРК “Спорт” телерадиоканали бош муҳаррири

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

XX асрнинг охири XXI аср бошларида жаҳон миқёсида жиддий сиёсий, иқтисодий, гуманитар, технологик хусусиятдаги ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришлар глобаллашув номи билан сиёсий фанлар тизимига ҳам кириб келди. Глобаллашув жараёнлари биринчи навбатда, халқаро муносабатларга таъсир эта бошлади. Натижада давлатлар орасидаги ўзаро алоқалар янги мазмун кашф этиб, минтақавийлашув жараёнлари кучайиб бормоқда. Халқаро муносабатларда янги иштирокчилар сифатида халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар, янги мустақил давлатлар халқаро сиёсатнинг субъекти сифатида кириб келмоқда. Халқаро ташкилотларнинг ривожланиши, айниқса, ҳукуматга тегишли бўлмаган халқаро ташкилотлар фаолияти кучайиб бормоқда. Бу жараёнларга мустақил давлатларнинг кириб бориши ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда ҳозирги замон геосиёсий муаммолари ҳамда халқаро муносабатларининг хусусиятлари, асосий иштирокчилар, айниқса, давлатларнинг мақсад ва вазифалари, халқаро ташкилотлар, халқаро нодавлат ташкилотлар ҳақида етарли билимга эга бўлиш, улар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича тажриба ва малакага, ахборотга эга бўлиш ҳамда сиёсий фаолиятда қўллаш муҳимдир.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўрганишдан мақсад – халқаро муносабатлар соҳасида геосиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларни таҳлил этиш бўйича мавжуд билимларни ўргатиш ва уларни амалда қўллаш. Шунингдек, геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанининг асосий тушунчалари бўйича талабаларда муайян илмий ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш. Зеро, бугунги кунда халқаро муносабатлар фани илмий тадқиқотлар объекти сифатида ўз услублари, тадқиқ этиш услубиятининг турли-туман кўринишларида намоён бўлмоқда.

Фаннинг вазифаси – геосиёсат ва халқаро муносабатлар тушунчасини сиёсий жараёнлар элементи сифатида, унинг тизими ва давлат ташқи сиёсатида дипломатик алоқаларнинг аҳамияти нақадар юксак эканини тушунтириб беришдир. Масаланинг айти шу жиҳати эса бевосита ОАВда Ўзбекистон Республикасини янги халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тадқиқ этиш муаммолари ва заруриятини англаб етиш билан боғлиқ.

Фанни ўрганишдан мақсад ҳозирги таъсирида юз бераётган сиёсатдаги ўзгаришлар доирасида халқаро муносабатларнинг моҳиятини

ўрганиб, геосиёсий тафаккурни шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилади:

- олинган билимларини кундалик амалий фаолиятда қўллай олиш қобилиятини янада мустаҳкамлаш, шунингдек шу соҳада тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш;

- халқаро сиёсатнинг жўғрофик омиллар билан боғлиқ йўналиш ва муаммолари бўйича ижодий, мантиқий фикрлаш тажрибасини шакллантириш;

- Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг мазмун ва моҳияти, ижобий жиҳатлари, истиқболи, мавжуд муаммоларни чуқурроқ ўрганишини таъминлаш;

- геосиёсий муаммолар бўйича замонавий билимларни эгаллашнинг ҳозирги замон метод ва усулларини ижобий ўзлаштиришига эришиш;

- илмий материалларни журналистик амалиётда қўллашда ҳозирги замон ахборот тизими ва технологияларидан фойдаланиш тажрибасини ошириш;

- Ўзбекистон манфаатидан келиб чиқиб давлат геосиёсати ва геостратегиясининг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилиш малакасини ошириш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фан бўйича магистрант:

- геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанлари тараққиёти;

- геосиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларга таъсир қилувчи омиллар ва унинг қонуниятларини тушуниш;

- журналистикада геосиёсат ва халқаро муносабатлар муаммоларини ёритилишида тарихий мерос ва маданий анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ижтимоий ва маданий фарқларни бағрикенглик билан қабул қилиш;

- замонавий геосиёсат билан боғлиқ халқаро муносабатларни халқаро муносабатлардаги ўрнини тушуниш;

- ўзининг шахсий дунёқараши орқали халқаро муносабатларда давлатимиз манфаатларига дахлдор муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанининг функциялари;

- саноатлашган - ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодий ўтиш даврида бўлган давлатларнинг миллий қизиқишлари;

- сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, диний, конфессионал, халқаро ташкилотлар;
- миллий, касбий уюшмалар, блоклар, ҳаракатлар, лигалар (БМТ, ЮНЕСКО, ХЖТ, ХОК ва бошқалар);
- халқаро муносабатларнинг мафкуралашгани, халқаро майдонда турли ижтимоий-сиёсий тузумларнинг тўқнашувлари ва рақобати, етакчи ва ривожланаётган давлатларнинг ташқи сиёсати тенденциялари;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати;
- халқаро муносабатларнинг ОАВ характериға, шакл ва услубларига таъсири;
- Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамияти билан интеграциялашуви ҳақида ***тасаввурға эға бўлиши керак***;
- геосиёсат ва халқаро муносабатларни журналистик таҳлил этишда геосиёсат категорияларини;
- геосиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида чуқур назарий ва амалий билимлардан фойдаланишни;
- геосиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида ахборот технологиялар ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни мустақил равишда эгаллашни;
- журналистик фаолиятда геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш, стратегик таҳлил ва моделлашни;
- халқаро муносабатлар тушунчаси, халқаро муносабатлар майдони – иқтисод, сиёсат, мафкура, маданиятларни таҳлил этишни;
- геосиёсий муаммоларнинг генезиси ва турларини тавсифлашни ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
- геосиёсий фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументлаш ҳолда аниқ баён қилиш;
- ташқи хавф ва таҳдидларни англаш, информацион хавфсизликнинг асосий талабларига, жумладан, давлат сирини ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш;
- халқаро муносабатларнинг мафкуралашганини, халқаро майдонда турли ижтимоий-сиёсий тузумларнинг тўқнашувлари ва рақобатини, етакчи ва ривожланаётган давлатларнинг ташқи сиёсати тенденцияларини таҳлил қилиш;
- глобал геосиёсат билан боғлиқ халқаро муносабатларға ўз муносабатларини билдира олиш ***кўникмаларига эға бўлиши керак***.
- геосиёсат ва халқаро муносабатларни журналистик таҳлил этишда геосиёсат категорияларини билиш;

- геосиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида чуқур назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш;

- геосиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида ахборот технологиялар ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни мустақил равишда эгаллаш;

- журналистик фаолиятда геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш, стратегик таҳлил ва моделлаш;

- халқаро муносабатлар тушунчаси, халқаро муносабатлар майдони – иқтисод, сиёсат, мафкура, маданиятларни таҳлил этиш *малакаларига эга бўлиши лозим.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Геосиёсат ва халқаро муносабатлар” мутахассислик фани ҳисобланиб, магистратура босқичида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган умумметодологик ва мутахассислик фанларидан етарли билим ва малакага эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ишлаб чиқаришдаги ўрни

Хозирги замон геосиёсий муаммолар ҳамда халқаро муносабатларнинг хусусиятлари, асосий иштирокчилар айниқса, давлатларнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва халқаро ташкилотлар, халқаро нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг ўқув дастури доирасида “Геосиёсат ва халқаро муносабатлар” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Техник ва кўргазмали воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанининг мақсад ва вазифалари

Геосиёсатнинг таърифи, геосиёсатга берилган кенг қамровли таъриф муаллифлари ва замонавий халқаро шарҳларда миллий давлат манфаатлар. Халқаро журналистикада геосиёсий ахборот, глобал геосиёсий жараёнларни журналистик таҳлилларда акс эттириш муаммолари. “Геосиёсат” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Геосиёсатга берилган таърифларнинг ўзаро мутаносиблиги. Геосиёсатнинг бошқа фанлар билан муносабатлари.

Замонавий геосиёсий қарашлар ва халқаро муносабатлар

“Совуқ уруш” даври ва геосиёсий тафаккурдаги ўзгариш. Атлантистларнинг совуқ урушдаги ғалабаси. Жаҳон тараққиёти, давлатлараро муносабатлардаги рўй берган янги вазиятнинг кескин ўзгаришлари. Халқаро хавфсизлик ва тараққиётнинг янги стратегиясига бўлган эҳтиёж. Ҳозирги замон хавфсизлик тизими ва истиқбол. Ўзига хос тараққиёт йўлига бўлган интилиш ва уни таъминлаш зарурати. “Икки кутбли дунё”, “Кўп кутбли дунё” ва “Бир кутбли дунё” тушунчаларининг геосиёсий талқини. Махсус нашрларда геосиёсий мувозанат масалаларининг ёритилишига доир сиёсат.

Геосиёсат тушунчасининг фан сифатидаги эволюцияси ва унинг халқаро муносабатларда намоён бўлиш жиҳатлари

XX аср геосиёсат даври сифатида. Геосиёсат оламида янгича илмий тафаккурга зарурат. Хантингтоннинг маданият ва тамаддуний фарқларга муҳим геосиёсий омиллар сифатида урғу бериши. Унинг “органицизм” фалсафасига бориб тақаладиган классик геосиёсат мактабига алоқадорлиги. Ижтимоий тизимлар ва давлатлар механик ёки ғоявий тузилмалар сифатида эмас, балки “ҳаёт шакллари” сифатида. Жамият тараққиётида пайдо бўлган сифат жиҳатдан янги тамойиллар, тенденциялар. Классик геосиёсий қарашлар самарасининг пасайиши.

Геосиёсат функциялари. Замонавий халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари

Геосиёсий ёндашувнинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни, унинг ҳозирги халқаро муаммолар таҳлили учун аҳамияти. Давлат равнақида табиий-географик жойлашувнинг социомаданий, этник, иқтисодий, сиёсий, демографик, ҳарбий, ахборот ҳамда маънавий омиллар билан уйғунлиги. Геосиёсат миллий сиёсатнинг инструменти сифатида. XX аср охири ва XXI аср бошларида давлат, жамият, сиёсат ва халқаро сиёсатга оид фикрлардаги ўзгаришлар.

Ўзбекистон геосиёсатида МДХ ва Марказий Осиё омили

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, миллий манфаатлар хавфсизлиги стратегияси ва Ўзбекистон. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти давлатларининг ўзаро муносабатларидаги ижобий ўзгаришлар ва аъзо давлатлар масъулияти. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида турли даражадаги ҳамкорлик ғояси: ижобий жиҳатлар, жаҳон тажрибаси ва амалиёт. Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ва хавфсизлик сиёсатида Марказий Осиё омили. Марказий Осиё – жаҳон сиёсатининг маркази ва фаол ҳудуди.

Геосиёсат фани услублари: ўзбек халқаро муносабатларида

Афғонистон ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ омили

Ўзбекистон манфаатлари ва Афғонистон. Ўзбекистон геосиёсатида Афғонистоннинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистоннинг геостратегик манфаатлари ва Жанубий Осиё. Жанубий Осиёнинг дунёдаги жиддий можароли макон эканлиги. Минтақада “ядро омили”. Кашмир муаммосига барҳам бериш йўллари. Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистоннинг Ҳинд океанига чиқиш масаласи. Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизликнинг умумий ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистоннинг геосиёсий ҳамда геостратегик манфаатлари ва хавфсизлик тизимида Яқин Шарқ ва Ўртаер денгизи минтақаси.

Геосиёсат тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси

геосиёсий манфаатлари тизимида Россия,

Америка ва Европа омили

XX асрда Европада рўй берган геосиёсий ўзгаришларнинг Россия куч-қудрати кўрсаткичларига таъсири. Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишнинг кучайиши, унинг миллий манфаатларимизга мослиги. Янги геосиёсий макон ва хавфсизлик даражасини англашга уринишлар. Диний экстремизм ва халқаро

терроризмнинг яқинлашуви, унинг Ўзбекистон-Россия муносабатларига таъсирини англашдаги қийинчиликлар: кундалик онг ва геосиёсат. Ғарб давлатларининг геосиёсий концепциялари ва амалиётида Марказий Осиё ва Ўзбекистон: манфаатлар тўқнашуви ва туташуви. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва амалиётида Америка ва Европа омилининг прагматик жиҳатлари. Мавжуд геосиёсий босимни ҳисобга олган ҳолда сиёсат юритиш зарурати.

Геосиёсат категориялари. Ўзбекистон Республикаси геостратегиясида Хитой ва Тинч океани минтақаси омили

XXI асда Тинч Океан минтақаси мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий таъсири даражаси. Минтақанинг Шарқ-Ғарб мулоқоти марказига айланиш тенденцияси. Минтақада жаҳон кучлари геосиёсий манфаатлари тўқнашувининг чуқурлашиб бориши. Америка – Япония: рақиблик ва иттифоқчилик. Россия — Хитой: рақиблик ва шериклик. Минтақа давлатлари ва Ўзбекистон муносабатларида геостратегик манфаатларнинг маданий омилдан устунлиги. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари муносабатларининг янги даражага кўтарилиши: омиллар, имкониятлар ва натижалар. Минтақа мамлакатлари билан муносабатларининг янги даражага кўтарилиши: омиллар, имкониятлар ва натижалар.

Жаҳон ахборот маконида геосиёсий рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари

Геосиёсий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот омили. Минтақаларда геосиёсий рақобатнинг кучайиши ҳамда ахборот таҳдидларининг ўзига хослиги. Ташқи сиёсатнинг ахборот таъминоти – давлатнинг стратегик мақсади. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот омили. Геосиёсий рақобат ва “сохта демократия” тарафдорларининг мақсади. Улар фаолиятининг ахборот маконидаги ўрнини англаш. Геосиёсий ахборот алмашинуви ҳамда ахборот хуружлари даврида манбаларнинг ҳаққонийлиги масаласи.

Геосиёсий даъволар ва ОАВ феномени. ОАВ орқали геомафкуравий мақсадларни олдинга суриш ва жаҳон тажрибаси. Ахборий маконда геосиёсий рақобатнинг устувор йўналишлари. Ахборий қарама-қаршилик. Ахборот ассимметрияси. Ахборий устунлик. Ахборий қарама-қаршиликнинг объектлари. Ахборий қарама-қаршиликнинг субъектлари. Давлатлар, иттифоқчилар ва коалициялар, халқаро ташкилотлар, нодавлат

ноқонуний ҳарбий бирлашмалар. Террористик, экстремистик, диний-радикал, сиёсий-радикал йўналишдаги ташкилотлар. Трансмиллий корпорациялар. Виртуал ижтимоий жамиятлар.

Халқаро муносабатларни ўрганишнинг методологик тамойиллари

Халқаро муносабатларни ўрганишнинг асосий методологик тамойиллари. Тарихийлик тамойилининг тарихий шароит билан ўзаро алоқалари. Халқаро ҳаёт тараққиёти ва унинг асосий босқичлари. Системалилик тамойили халқаро муносабатларнинг элементи сифатида. Хар томонламалилик тамойили, давлат ва халқ ўртасидаги муносабатлар системасининг таркибий бўғинлари. Обьективлик тамойили — халқаро муносабатлар ривожланишини белгилаб берувчи қонуният.

Халқаро муносабатларнинг тадқиқот услублари

Услуб объектни илмий нуқтаи назардан ўрганиш воситаси сифатида. Илмий ғояларни амалиётга тадбиқ этишда услубнинг роли. Халқаро муносабатларни тадқиқ этишдаги методологик ёндашувлар ва услублар ўртасидаги боғлиқлик. Кузатиш услуби ва унинг турлари. Вазиятни таҳлил қилиш услублари. Ҳужжатларни ўрганиш услуби — ижтимоий, сиёсий илмларни ўрганиш воситаси. Таққослаш — халқаро муносабатлар доирасида мамлакатларнинг алоҳида-алоҳида жиҳатларини ўрганувчи услуб. Контент-анализ — сиёсий матнларни ўрганиш ва таърифлаб бериш усули. Ивент-анализ услуби — қайта ишланган ахборот маълумотларини тизимлаштириш асоси. Когнитив хариталаш — сиёсий муаммоларни таҳлил қилиш услуби. Эксперимент — назарий гипотезалар, хулосалар ва қарорларни текшириш методи. Халқаро муносабатларда башорат услубларининг ўзига хослиги. Дельфи — сўзларни тизимли назорат қилиш усули.

Халқаро муносабатларда халқаро ҳамкорлик назарияси

Халқаро ҳамкорлик тушунчаси ва турлари. Халқаро ҳамкорлик тушунчасини аниқлашдаги консенсуслар. Халқаро ҳамкорлик шароитидаги халқаро муносабатларнинг замонавий назарияларидаги йўналишлар. Халқаро анархия концепцияси. Халқаро ҳамкорлик таҳлилида замонавий социологик ёндашувлар ва уларнинг турлари. Неореализм ва неолиберализм қарашлари ва улардаги ғоялар.

Халқаро муносабатларда ички ва ташқи сиёсат

Халқаро муносабатларда ички ва ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари. Дунёвий сиёсат тушунчасининг мазмун ва моҳияти. Дунёвий фуқаролик жамияти билан дунёвий фуқаролик тушунчаларидаги ўхшашлик ва зиддиятлар. Дунёвий сиёсатда давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мақоми. Дунёвий сиёсатнинг халқаро муносабатлар тизимига таъсири. Давлатнинг ички ва халқаро сиёсати орасидаги ўзаро алоқалар.

Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар

Миллий манфаатлар тушунчасининг мазмуни, унинг асосий элементлари, методологик тамойиллари ва сиёсий аҳамияти. Миллий манфаат мезонлари ва тузилиши. Суверен давлат шаклланишида миллий манфаатлар. Давлатнинг ташқи сиёсатида миллий манфаатлар. Давлат миллий хавфсизлик концепциялари, харбий доктрина, ташқи сиёсат тамойиллари, муҳофаа стратегиясини ишлаб чиқишда миллий манфаатларнинг роли. Миллий манфаат давлат ташқи сиёсатининг таҳлилий воситаси ва мезони сифатида.

Халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари

Халқаро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар. Ҳуқуқий тафаккур даражаси, одоб-ахлоқ омиллари. Халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари муаммолари. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, унинг принциплари ва тарихий шакллари. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг халқаро тизимда амал қилиши. Халқаро гуманитар ҳуқуқлар ва гуманитар аралашувлар концепцияси. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик муаммоси

Халқаро муносабатлар ва халқаро муҳит. Халқаро муносабатларнинг ривожланишида халқаро хавфсизлик. Халқаро хавфсизликни англашда асосий назарий ва амалий концепциялар. Жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётининг глобаллашуви ва халқаро хавфсизлик. Хавфсизликни реалистик тушуниш. Хавфсизлик тушунчасининг либерал-идеалистик кўриниши.

Халқаро муносабатларда этник хусусиятлар

Халқаро муносабатлар иштирокчиларининг ўзига хос этник тасаввурлари. Маънавий қоида ва қадриятларнинг ҳуқуқий меъёрларга таъсири. Халқаро муносабатлардаги маънавият ва ҳуқуқнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро маънавиятнинг ўзаро

таъсири. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар амалиётида маънавий меъёрлар. Халқаро ҳуқуқ, ахлоқнинг ўзаро таъсири ва бир- биридан фарқи. Глобаллашув шароитида халқаро ахлоқнинг асос ва талаблари.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида халқаро муносабатларнинг ўзига хос тамойиллари

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ташқи сиёсат ва халқаро алоқаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тамойиллари. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодий интеграцияни ривожлантиришдаги ўрни. Ўзбекистоннинг Европа, Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари. Ўзбекистон Республикасининг Европа давлатлари билан сиёсий-дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари. Ўзбекистоннинг Яқин, Ўрта Шарқ ҳамда араб давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари.

Семинар машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари

Геосиёсий таълимотларнинг давлат ташқи сиёсатини амалга оширишдаги аҳамияти.

Ахборот маконида геосиёсий рақобат.

Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари.

Ўзбекистон геосиёсатида МДҲ ва Марказий Осиё омили.

Ўзбекистон хавфсизлик сиёсатида Афғонистон ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ омили.

Ўзбекистон Республикаси геосиёсий манфаатлари.

Ўзбекистон Республикаси геостратегияси.

Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий келажаги.

Халқаро муносабатларни ўрганишнинг методологик тамойиллари.

Халқаро муносабатларнинг тадқиқот услублари.

Халқаро муносабатларда халқаро ҳамкорлик назарияси.

Халқаро муносабатларда ички ва ташқи сиёсат.

Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар.

Халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик муаммоси.

Халқаро муносабатларда этник хусусиятлар.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида халқаро муносабатларнинг ўзига хос тамойиллари.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларда талабалар фан бўйича маъруза машғулотларида олган назарий билимларини муқтаҳкамлайдилар. “Геосиёсат ва халқаро муносабатлар” фанининг асосий тушунчалари ҳақида илмий ва амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

“Геосиёсат ва халқаро муносабатлар” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- талабнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари.
2. Ўзбекистон геосиёсатида МДХ ва Марказий Осиё омили.
3. Ўзбекистон хавфсизлик сиёсатида Афғонистон ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ омили.
4. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий манфаатлари.
5. Ўзбекистон Республикаси геостратегияси.
6. Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий келажаги.
7. Халқаро муносабатларни ўрганишнинг методологик тамойиллари.
8. Халқаро муносабатларнинг тадқиқот услублари.
9. Халқаро муносабатларда халқаро ҳамкорлик назарияси.
10. Халқаро муносабатларда ички ва ташқи сиёсат.
11. Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар.
12. Халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари.
13. Халқаро муносабатларда хавфсизлик муаммоси.
14. Халқаро муносабатларда этник хусусиятлар.
15. Ўзбекистон ташқи сиёсатида халқаро муносабатларнинг ўзига хос тамойиллари.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Рахманов А.Р. Проблемы безопасности на национальном, региональном и глобальном уровнях (международно-правовые аспекты). Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
2. Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов, - Т.: Шарк, 2005.
3. Жўраев Н. Қ. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Қўлланма. Т.: Ғ.Ғулом, 2009.
4. Жўраев Н. “Сиёсий конфликтшунослик ва халқаро муносабатлар”. Т.: Turon iqbol, . 2012.

Қўшимча адабиётлар:

1. Хасанов У.А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центрально-азиатском регионе. Автореф. дис. канд. полит. наук. – Т., 2003.
2. Умаров Х.П. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари. Диссертация автореферати. – Т.: 2004.
3. Касимова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т.: УМЭД, 2002.
4. Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т.: “Маънавият”, 2008.

Интернет сайтлари:

1. vitaweb.jino-net.ru.
2. www.journalism.ru
3. www.citforum.ru.
4. www.case.nnov.ru.

